O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
SHAROF RASHIDOV TUMANI
HOKIMI
Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е
ХОКИМА
ШАРОФ РАШИДОВСКОГО РАЙОНА
ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Manzil: 131100. Uchtepa dahasi, Mustaqillik ko‘chasi. Tel.: 342-13-33, Faks 342-10-18

«30» 09 2020 yil № 1880 Sharof Rashidov tumani

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан туманда 2021 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун ходимларнинг ўртача сони 20 нафардан кўпни ташкил этадиган корхона, муассаса ва ташкилотларда 2021 йил учун 3 фоиздан 7 фоизгача жами **350** та квота иш ўринлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 9,7 фоиз (34 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 50 фоиз (175 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 8,3 фоиз (29 киши);

ногиронлар ва пенсияолди ёшидаги шахслар учун 3,4 фоиз (12 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 5,4 фоиз (19 киши);

туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган шахслар учун 6,5 фоиз (23 киши);

одам савдоси қурбонлари учун 3,1 фоиз (11 киши);

кичик ёшли боласи бор бўлган ишламаётган аёллар учун 10,3 фоиз (36 киши);

ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган касалликларга чалинган шахслар учун 3,1 фоиз (11 киши);

2. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлиши таъминлансин, хусусан,

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун - болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшларга, шунингдек олий ўқув юртларининг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилари учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун - меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун - махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахслар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса - махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланган шахслар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари.

3. Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўрни илгари ушбу иш ўрнини эгаллаб келган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилиши муносабати билан бўшаб қолганда бу ҳақда ташкилот 10 кун муддатда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказини янгидан очилган бўш иш ўрни тўғрисида хабардор этиши белгилансин.

4. Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 20178 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага мухтож иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини белгиланган сони ҳисобида йил бошлангунгача 10 кундан кечикмай 25 фоиз, қолган қисмини банд қилиб қўйишни кейинги календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласинлар.

Ташкилотлар ҳар ойдада туман Аҳоли Бандлигига кўмаклашиш марказига ушбу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштирилиши тўғрисида белгиланган тартибда ахборот тақдим этсинлар.

5. Ушбу қарорни бажармаган ташкилотларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима солинади.

Белгилаб қўйилсинки, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаганлик учун жаримани тўлаганлик ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этишдан озод қилмайди.

6. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиш сонидан ортиқча иш ўринлари ташкил этилган тақдирда сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бир хафта муддатда ушбу қарорни иловада кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва мазкур қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

8. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман хокими биринчи ўринбосари в.в.б. М.Эргашев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими **М.Холбутаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI SHAROF RASHIDOV TUMAN HOKIMI
UMUMIY BO'LIMI
ОБЩИЙ ОТДЕЛ

Ш.Рашидов туманида аҳолини ижтимоий ҳимояга мухтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган қатлами учун 2021 йилда иш жойларининг энг кам миқдорларини яратадиган корхона, ташкилот ва муассасалар РЎЙХАТИ

Т.Р	Корхона, ташкилот ва муассасалар номи	Манзили	01.08.2020 йил холатига ишловчи ходимлар сони	Низомга асосан белгиланган меъёр асосида	Шу жумладан								
				Белгиланган квота иш ўринлари сони	ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун	умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун	сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун	ногиронлар ва пенсияолди ёшидаги шахслар учун	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган шахслар учун	жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун	кичик ёшли боласи бор бўлган ишламаётган аёллар учун	ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган касалликларга чалинган шахслар учун	одам савдоси қурбонлари учун
А	1	2	3	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Ш.Рашидов туманТиббиёт бирлашмаси	Уч тепа	1879	62	8	32	2	2	5	2	7	2	2
2	Вилоят Тери таносил касалликлар диспансери	Токчилик	62	3	1	1					1		
3	Ш.Рашидов туманДавлат санитария-эпидамалогия маркази	Уч тепа	42	2	1	1							
4	Жиззах вилоят Рухий касалликлар диспансери	Конгли	156	4		3					1		
5	Ш.Рашидов туман"Жиззах санатарияси"	Зиёкор	92	3		1			1		1		
6	Ш.Рашидов туман 1-сонли касб ҳунар мактаби	Зиёкор	54	3		2	1						
7	Ш.Рашидов туман 2-сонли касб ҳунар мактаби	Уч тепа	37	2		1					1		
8	Ш.Рашидов туман Халқ таълими бўлими	Зиёкор	27	1		1							
9	Ш.Рашидов туман№ 1-сон умумий ўрта таълим мактаби	Гандумтош	69	3		1					1	1	
10	Ш.Рашидов туман№ 2-сон умумий ўрта таълим мактаби	Зиёкор	42	2		1	1						
11	Ш.Рашидов туман№ 3-сон умумий ўрта таълим мактаби	Оқ олтин	57	2	1	1							
12	Ш.Рашидов туман№ 4-сон умумий ўрта таълим мактаби	Зиёкор	87	4	1	1	1	1					
13	Ш.Рашидов туман№ 5-сон умумий ўрта таълим мактаби	Гандумтош	80	4		2			1		1		
14	Ш.Рашидов туман№ 6-сон умумий ўрта таълим мактаби	Пахтаобод	75	3	1	1					1		
15	Ш.Рашидов туман№ 7-сон умумий ўрта таълим мактаби	Ш.Рашидов т	26	1		1							
16	Ш.Рашидов туман№ 8-сон умумий ўрта таълим мактаби	Қулама	43	2		1		1					
17	Ш.Рашидов туман№ 9-сон умумий ўрта таълим мактаби	Ҳамзаобод	40	2	1	1							
18	Ш.Рашидов туман№ 10-сон умумий ўрта таълим мактаби	Қулама	70	3		2	1						
19	Ш.Рашидов туман№ 11-сон умумий ўрта таълим мактаби	Зиёкор	80	4		2	1				1		
20	Ш.Рашидов туман№ 12-сон умумий ўрта таълим мактаби	Токчилик	65	3	1	1	1						
21	Ш.Рашидов туман№ 13-сон умумий ўрта таълим мактаби	Уч тепа	128	5		3	1						1
22	Ш.Рашидов туман№ 14-сон умумий ўрта таълим мактаби	Конгли	77	3	1	2							
23	Ш.Рашидов туман№ 15-сон умумий ўрта таълим мактаби	Конгли	66	3	1	1						1	
24	Ш.Рашидов туман№ 16-сон умумий ўрта таълим мактаби	Қулама	75	3		2	1						
25	Ш.Рашидов туман№ 17-сон умумий ўрта таълим мактаби	Хайрабод	88	4	1	2		1					
26	Ш.Рашидов туман№ 18-сон умумий ўрта таълим мактаби	Хайрабод	47	2		1					1		
27	Ш.Рашидов туман№ 19-сон умумий ўрта таълим мактаби	Ҳамзаобод	72	3		2	1						
28	Ш.Рашидов туман№ 20-сон умумий ўрта таълим мактаби	Ҳамзаобод	80	4	1	1	1				1		
29	Ш.Рашидов туман№ 21-сон умумий ўрта таълим мактаби	Пахтаобод	74	3		1		1				1	
30	Ш.Рашидов туман№ 22-сон умумий ўрта таълим мактаби	Гандумтош	62	3		1	1		1				
31	Ш.Рашидов туман№ 23-сон умумий ўрта таълим мактаби	Токчилик	78	3		1	1		1				
32	Ш.Рашидов туман№ 24-сон умумий ўрта таълим мактаби	Конгли	50	3		2					1		
33	Ш.Рашидов туман№ 25-сон умумий ўрта таълим мактаби	Хайрабод	54	2		1	1						
34	Ш.Рашидов туман№ 26-сон умумий ўрта таълим мактаби	Конгли	22	1		1							
35	Ш.Рашидов туман№ 27-сон умумий ўрта таълим мактаби	Қўшбармоқ	55	2	1	1							
36	Ш.Рашидов туман№ 29-сон умумий ўрта таълим мактаби	Қулама	75	3		1			1			1	
37	Ш.Рашидов туман№ 30-сон умумий ўрта таълим мактаби	Оқ олтин	60	3		3							
38	Ш.Рашидов туман№ 31-сон умумий ўрта таълим мактаби	Қўшбармоқ	61	3		1					1		1
39	Ш.Рашидов туман№ 32-сон умумий ўрта таълим мактаби	Уч тепа	58	2		1	1						
40	Ш.Рашидов туман№ 33-сон умумий ўрта таълим мактаби	Конгли	37	1		1							
41	Ш.Рашидов туман№ 34-сон умумий ўрта таълим мактаби	Пахтаобод	51	2		1		1					
42	Ш.Рашидов туман№ 35-сон умумий ўрта таълим мактаби	Оқ олтин	54	2	1	1							
43	Ш.Рашидов туман№ 36-сон умумий ўрта таълим мактаби	Қулама	98	4		3					1		

Т.Р	Корхона, ташкилот ва муассасалар номи	Манзили	01.08.2020 йил холатига ишловчи ходимлар сони	Низомга асосан белгиланган меъёр асосида	Шу жумладан								
				Белгиланган квота иш ўринлари сони	ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун	умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун	сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун	ногиронлар ва пенсияолди ёшидаги шахслар учун	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган шахслар учун	жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун	кичик ёшли боласи бор бўлган ишламаётган аёллар учун	ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган касалликларга чалинган шахслар учун	одам савдоси қурбонлари учун
44	Ш.Рашидов туман№ 37-сон умумий ўрта таълим мактаби	Сам қудуқ	48	2		1	1						
45	Ш.Рашидов туман№ 38-сон умумий ўрта таълим мактаби	Оқ олтин	67	2		1	1						
46	Ш.Рашидов туман№ 39-сон умумий ўрта таълим мактаби	Рovат	34	2		1	1						
47	Ш.Рашидов туман№ 40-сон умумий ўрта таълим мактаби	Рovат	58	2		1		1					
48	Ш.Рашидов туман№ 41-сон умумий ўрта таълим мактаби	Рovат	35	1		1							
49	Ш.Рашидов туман№ 42-сон умумий ўрта таълим мактаби	Рovат	46	2		1					1		
50	Ш.Рашидов туман№ 43-сон умумий ўрта таълим мактаби	Рovат	36	1		1							
51	Ш.Рашидов туман№ 44-сон умумий ўрта таълим мактаби	Рovат	45	2		2							
52	Ш.Рашидов туман№ 45-сон умумий ўрта таълим мактаби	Рovат	32	1		1							
53	Ш.Рашидов туман№ 46-сон умумий ўрта таълим мактаби	Рovат	44	2		1	1						
54	Ш.Рашидов туман№ 47-сон умумий ўрта таълим мактаби	Рovат	42	2	1	1							
55	Ш.Рашидов туман№ 50-сон умумий ўрта таълим мактаби	Ҳамзаобод	41	2		2							
56	Ш.Рашидов туман№ 52-сон умумий ўрта таълим мактаби	Рovат	22	1		1							
57	Ш.Рашидов туман№ 53-сон умумий ўрта таълим мактаби	Рovат	44	2		1						1	
58	Ш.Рашидов туман№ 54-сон умумий ўрта таълим мактаби	Конгли	58	2		1					1		
59	Ш.Рашидов туман№ 55-сон умумий ўрта таълим мактаби	Оқ олтин	66	3		1	1						1
60	Ш.Рашидов туман№ 56-сон умумий ўрта таълим мактаби	Рovат	26	1		1							
61	Ш.Рашидов туман№ 57-сон умумий ўрта таълим мактаби	Рovат	30	1		1							
62	Ш.Рашидов туман№ 58-сон умумий ўрта таълим мактаби	Оқ олтин	31	1		1							
63	Ш.Рашидов туман№ 59-сон умумий ўрта таълим мактаби	Конгли	21	1		1							
64	Ш.Рашидов туман№ 1-сон "Назокат" номли МТМ	Пахтаобод	28	1		1							
65	Ш.Рашидов туман № 2-сон МТМ	Уч тепа	21	1		1							
66	Ш.Рашидов туман№ 3-сон "Ғунча" номли МТМ	Қулама	28	1		1							
67	Ш.Рашидов туман№ 4-сон "Лола" номли МТМ	Уч тепа	24	1		1							
68	Ш.Рашидов туман№ 5-сон "Бошоқча" номли МТМ	Конгли	28	1		1							
69	Ш.Рашидов туман№ 6-сон "Озода" номли МТМ	Қулама	36	1		1							
70	Ш.Рашидов туман № 7-сон ДМТМ	Ш.Рашидов	37	2		1			1				
71	Ш.Рашидов туман № 8-сон ДМТМ	Қахрамон	40	2	1	1							
72	Ш.Рашидов туман№ 9-сон "Бахор" номли МТМ	Гандумтош	65	3		1		1			1		
73	Ш.Рашидов туман № 10-сон ДМТМ	Ш.Рашидов т	33	1		1							
74	Ш.Рашидов туман№ 11-сон "Бинофша" номли МТМ	Ҳамзаобод	50	2		1			1				
75	Ш.Рашидов туман№ 13-сон "Дилноза" номли МТМ	Қулама	47	2		1						1	
76	Ш.Рашидов туман№ 14-сон ДМТМ	Ш.Рашидов т	57	3	1				1		1		
77	Ш.Рашидов туман№ 15-сон ДМТМ	Ш.Рашидов т	32	2	1								1
78	Ш.Рашидов туман№ 16-сон ДМТМ	Ш.Рашидов т	24	1					1				
79	Ш.Рашидов туман№ 17-сон ДМТМ	Ш.Рашидов т	24	1		1							
80	Ш.Рашидов туман№ 18-сон ДМТМ	Ш.Рашидов т	34	2					1		1		
81	Ш.Рашидов туман№ 19-сон ДМТМ	Ш.Рашидов т	39	2	1	1							
82	Ш.Рашидов туман№ 20-сон ДМТМ	Ш.Рашидов т	26	1		1							
83	Ш.Рашидов туман№ 21-сон ДМТМ	Ш.Рашидов т	53	3	1	1			1				
84	Ш.Рашидов туман№ 22-сон ДМТМ	Ш.Рашидов т	43	2		1					1		
85	Ш.Рашидов туман№ 23-сон ДМТМ	Ш.Рашидов т	47	2	1			1					
86	Ш.Рашидов туман№ 24-сон ДМТМ	Ш.Рашидов т	25	1		1							
87	Ш.Рашидов туман№ 25-сон ДМТМ	Ш.Рашидов т	26	1								1	
88	Ш.Рашидов туман№ 27-сон "Истиқлол" номли МТМ	Зиёкор	30	1		1							
89	Ш.Рашидов туман№ 1-сон Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	Уч тепа	37	1		1							
90	Ш.Рашидов туман№ 2-сон Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	Зиёкор	22	1		1							
91	Ш.Рашидов туман№ 8-сон Болалар мусика ва санъат мактаби	Уч тепа	34	2		1	1						

Т.Р	Корхона, ташкилот ва муассасалар номи	Манзили	01.08.2020 йил холатига ишловчи ходимлар сони	Низомга асосан белгиланган меъёр асосида	Шу жумладан								
				Белгиланган квота иш ўринлари сони	ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун	умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун	сафарбарликка чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун	ногиронлар ва пенсияолди ёшидаги шахслар учун	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган шахслар учун	жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун	кичик ёшли боласи бор бўлган ишламаётган аёллар учун	ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган касалликларга чалинган шахслар учун	одам савдоси қурбонлари учун
92	Ш.Рашидов туманБаркамол авлод болалар маркази	Уч тепа	40	2		1		1					
93	Ш.Рашидов туман"Қишлоқхўжаликкимиё" худудий акциядорлик жамияти	Қулама	24	1		1							
94	Вилоят Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси	Оқ олтин	429	21	1	11	1		1	4	3		
95	Ш.Рашидов туманйўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси	Ҳамзаобод	158	11		2	2		1	2	2	1	1
96	Ш.Рашидов туманОбодонлаштириш бошқармаси	Қўшбармоқ	151	10	1	3	1			3	2		
97	Ш.Рашидов туман"Сувсқова" давлат корхонаси	Қўшбармоқ	35	2		1				1			
98	Туман молия бўлими	Уч тепа	23	8	1	3				3			1
99	Ш.Рашидов туманДавлат тижорат халқ банки	Қулама	39	2		2							
100	Ш.Рашидов туман Давлат тижорат агро банк	Уч тепа	41	2		1			1				
101	Жиззах Мелеротив экспедицияси	Оқ олтин	382	14		6	1		1	3	2		1
102	Жиззах Уч тепа довмахсус пудрат ДУК	Уч тепа	51	3	1	1							1
103	Туман Маданият бўлими	Уч тепа	40	2		1			1				
104	Ш.Рашидов давлат солиқ инспекцияси	Уч тепа	50	2		1	1						
105	Агросаноат мажмуаси устидан назорат қилиш инспекцияси Жиззах вилоят бошқармаси	Уч тепа	160	12	1	4	1	1	1	1	1	1	1
106	Хорижий тилларга ихтисослаштирилган умум таълим мактаби	Уч тепа	56	3	1	1			1				
107	Ш.Рашидов туман Ветеринария бўлими	Уч тепа	23	1		1							
x	**Жами:**	**x**	**8123**	**350**	**34**	**175**	**29**	**12**	**23**	**19**	**36**	**11**	**11**

*Изох: Ушбу тоифадаги муҳтожларнинг сони ўзгаришига қараб, улар учун олдинги йилларда белгиланган иш ўринлари сони чегириб ташланган.